Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 73 (8063).

19 апрель сешанба 1983 йил

Баҳоси 3 тийин.

ЯШАСИН СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ!

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚ БИРЛИГИ, УЛУҒ ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА САДОҚАТ–БАРЧА ҒАЛАБАЛАРИМИЗНИНГ ГАРОВИДИР!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1983 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин 1 Май—меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Яшасин пролетар, социалистик интернационализм!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот—марксизм-ленинизм!

4. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

5. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатларининг енгилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

6. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, ҳамкорлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги азму қарори!

7. Мустамлакачилик зулмидан озод бўлган ва социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган халқларга қардошлик саломи!

8. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун мардонавор курашаётган халқларга қардошлик саломи!

9. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига қардошлик саломи!

10. Озодлик, демократия ва социализм учун курашиб, фашист зиндонларида азоб чекаётганларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқинларига озодлик!

11. Империализмга, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган Африка халқларига қардошлик саломи!

Жанубий Африка ва Намибия халқларига озодлик!

12. Империализм ва реакцияга қарши, ўз мамлакатларининг демократик ривожланиши учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига оташин салом!

13. Араб мамлакатларининг халқлари! Исроил агрессиясига ва империализм зўравонлигига қарши курашда ўз сафларингизни жипслаштиринг!

Совет—Араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

14. Жаҳон халқлари! Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессияси тўхтатилишини, босқинчиларнинг қўшинлари Ливандан, босиб олинган барча араб ерларидан дарҳол, батамом ва сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қилингиз! Исроил агрессорлари ва уларнинг хомийларига лаънат!

Фаластин халқининг ҳаққоний иши тантана қилади!

Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик бўлсин!

15. Европа мамлакатлари халқлари! Ғарбий Европада Американинг янги ракета-ядро қуроли жойлаштирилишига йўл қўймангиз!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик қарор топсин!

16. Осиё мамлакатлари халқлари! Империализмга, янги мустамлакачилик ва гегемонизмга қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун курашингиз!

Осиё ишонч ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолсин!

17. Жаҳон халқлари! Империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига қатъий зарба берингиз!

Қуролланиш пойгасини жиловлайлик, уруш хавфини бартараф этайлик, кескинликни юмшатишни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолайлик ва чуқурлаштирайлик!

18. Бутун планета халқлари! Ядро халокатининг олдини олиш учун курашда куч-ғайратингизни кўпайтиринг!

Ядро, нейтрон ва химия қуролларини тақиқлашни талаб қилингиз!

Жаҳонга — тинчлик!

19. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

Совет Тинчлик программасини амалга оширайлик!

20. Коммунизм бинокори, тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

21. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! 1983 йилги планни, XI беш йиллик топшириқларини барча кўрсаткичлар юзасидан тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарингиз!

Кўп миллатли улуғ Ватанимиз яна ҳам кучли, бой ва кўркам бўлаверсин!

22. Коммунистлар! Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь Пленумларининг тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини, самарадорлиги ва сифатини оширингиз!

Зарбдорларча ишлаш — бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир!

24. Совет Иттифоқи гражданлари! Иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун умумхалқ ҳаракатида актив қатнашингиз!

Экономика тежамли бўлиши керак!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир меҳнат коллективида ижодкорлик, ўртоқларча ўзаро ёрдам, беш йилликни бажариш учун юксак масъулият вазиятини вужудга келтиринг!

Уюшқоқлик ва тартибни, онгли коммунистик интизомни мустаҳкамлангиз!

26. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштиринг!

Фан ва техника ютуқларини, илғорлар тажрибасини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали формаларини ишлаб чиқаришга сабот билан жорий этинг!

Экономикани интенсив ривожлантирайлик!

27. Ёқилғи-энергетика комплексининг ходимлари! Нефть, газ, кўмир қазиб чиқаришни, электр энергия ишлаб чиқаришни кўпайтиринг!

28. Совет металлурглари! Мамлакатнинг металлга бўлган эҳтиёжларини пухта таъминлангиз!

Тежамли металл маҳсулот сифатини оширингиз, ишлаб чиқаришни кенгайтиринг!

29. Машинасозлар! Илмий ва инженерлик тафаккурини янги, серунум ва тежамли машиналар ҳамда приборларда тезроқ мужассамлаштиринг!

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштиринг!

30. Химия саноати ходимлари! Халқ хўжалиги билан аҳолининг химия маҳсулотлари ва материалларга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаб турингиз.

31. Саноат ходимлари! Аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни, уларнинг хилини кўпайтиринг ва сифатини яхшиланг!

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга кун сайин эътибор берилсин!

32. Транспорт ва алоқа ходимлари! Иш сифати ва самарадорлигини қатъият билан оширингиз! Халқ хўжалиги юклари узлуксиз ташилишига, аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятига эришингиз!

33. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал маблағлар самарадорлигини оширингиз!

Комплекс равишда, тежамли ва сифатли, замонавий техника асосида қурингиз! Ишга тушириладиган объектларни муддатида топширингиз!

34. Агросаноат комплекси ходимлари! Мамлакатнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминланишига эришингиз!

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш—умумхалқ иши!

35. Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари! Деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини актив жорий этингиз! Дон, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўпайтиринг!

Ердан, техникадан, ўғитлардан, меҳнат ва молия ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланингиз!

Кўкламги дала ишлари юксак сифатли ўтказилсин!

36. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Чорвачилик маҳсулдорлигини бутун чоралар билан оширингиз, унинг ем-хашак базасини мустаҳкамланг!

Гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтириш учун курашингиз!

37. Савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмати ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондиринг!

38. Ихтирочилар ва рационализаторлар! Техника тараққиёти учун, Ватанимиз экономикасини янада мустаҳкамлаш учун курашчиларнинг биринчи сафларида бўлингиз!

39. Совет олимлари! Тадқиқотларнинг самарадорлигини оширингиз! Фан билан ишлаб чиқариш иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

Совет фанига шон-шарафлар!

40. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Коммунистик ғоявийлик, партиявийлик ва халқчиллик байроғини баланд кўтариб боринг!

Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

41. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш самарадорлигини оширингиз!

42. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Совет кишиларига медицина хизмати сифатини бутун чоралар билан яхшиланг, касб маҳоратингизни оширингиз!

43. Физкультурачилар ва спортчилар! Физкультура ҳаракатининг оммавийлигини оширингиз! Совет спортининг шуҳратини кўпайтиринг!

44. Яшасин бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

45. Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви, коммунизм ёш бинокорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

46. Йигит ва қизлар! Билимларни, маданиятни, касб маҳоратини сабот билан эгалланг!

Ленин иши учун, коммунизм учун онгли курашчилар бўлингиз!

47. Шонли ветеранлар! Ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлодни Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялангиз!

48. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари! Ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётида актив қатнашингиз!

Оналарга шон-шарафлар!

Бутун ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

49. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштиринг!

Совет халқининг тинч меҳнатини, ривожланган социализм жамиятининг ғалабаларини сергак туриб пухта қўриқланг!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

50. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги мисли сиз жасорати асрлар бўйи яшайверсин!

Ватанимиз шон-шавкати, озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

51. Яшасин жамиятимиз кучининг ҳаётбахш манбаи—Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлиги!

52. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг мустаҳкам иттифоқи!

53. Яшасин СССР Конституцияси!

Яшасин ҳокимиятнинг чинакам демократик органлари — халқ депутатлари Советлари!

54. Яшасин Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!

Партия билан халқ бирлиги, улуғ Ленин васиятларига садоқат — барча ғалабаларимизнинг гаровидир!

55. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

56. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари, олға!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети чорвачилик юзасидан социалистик мусобақанинг 1983 йил биринчи квартали якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари:

Қорақалпоғистон АССР,
Хоразм область,
Андижон область,
Сурхондарё областининг Ленин йўли район,
Жиззах областининг Арнасой район,
Қашқадарё областининг Қамаши районида қолдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари:

Фарғона область,
Бухоро областининг Ромитан район,
Самарқанд областининг Пайариқ район,
Тошкент областининг Бўка районига берилди.

Байроқлар Қашқадарё областидан, Боғот, Калинин ва Андижон районларидан олиб берилади.

Қуйидаги колхозлар, совхозлар ва бошқа корхоналарнинг коллективлари 1983 йил биринчи квартал якунлари юзасидан чорвачиликни ривожлантириш соҳасида республика мусобақасининг ғолиблари деб топилди:

Тошкент область, Калинин районидаги «Москва» колхози,
Фарғона область, Қува районидаги К. Маркс номли колхоз,
Сирдарё область, Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхоз,
Қорақалпоғистон АССР Беруний районидаги Беруний номли совхоз,
Андижон область, Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози,
Қашқадарё область, Ульянов районидаги «СССР 60 йиллиги» совхози,
Тошкент область, Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси,
Самарқанд областидаги Каттақўрғон саноат чорвачилик комплекси,
Қорақалпоғистон АССРдаги Тахиатош паррандачилик фабрикаси,
Жиззах балиқчилик хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси,
Наманган областидаги Тўрақўрғон район матлубот жамиятининг бўрдоқичилик хўжалиги.

* * *

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш тадбирларини муддатидан илгари бажариш юзасидан районлар, совхозлар, колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил 1 апрелгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Калинин районига (район партия комитетининг секретари Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Авулқосимов, район касаба союз комитетининг раиси Дўсканаев, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ҳайдаров, район комсомол комитетининг секретари Абдураҳмонов ўртоқлар). Бу район давлатга гўшт сотиш суръатини 20 процент, сут сотиш суръатини 5 процент, тухум сотиш суръатини 100 процент ўстиришни таъминлаган ва шу маҳсулотларни тайёрлаш планини бажаришда юқори кўрсаткичга эришган, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда мол ва паррандалар сони кўпайган, уларнинг маҳсулдорлиги ошган.

Байроқ Оққўрғон районидан олиб берилади.

Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозига (раиси Пугачёва, партия комитетининг секретари Йўлдошхўжаев, касаба союз комитетининг раиси Саидаҳмедова, комсомол комитетининг секретари Қодирова ўртоқлар). Бу колхоз давлатга гўшт сотиш суръатини 10 процент, сут сотиш суръатини 19 процент ўстиришни таъминлаган ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда мол ва паррандалар сонини кўпайтиришда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда юқори ўсишга эришган.

Байроқ Калинин районидаги «Москва» колхозидан олиб берилади.

Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозига (раиси Анорбоев, партия комитетининг секретари Холжонбоев, касаба союз комитетининг раиси Турғунбоев, комсомол комитетининг секретари Абдуллаев ўртоқлар). Бу колхоз давлатга гўшт сотиш суръатини 7 процент, сут сотиш суръатини 11 процент, тухум сотиш суръатини 29 процент ўстиришни таъминлаган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда мол ва паррандалар сонини кўпайтиришда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда юқори ўсишга эришилган.

Байроқ Бекобод районидаги «Победа» колхозидан олиб берилади.

Тошкент районидаги А. Абдураҳмонов номли совхозга (директори Одилов, партия комитетининг секретари Мирзаев, ишчилар комитетининг раиси Устименко, комсомол комитетининг секретари Абдувалиев ўртоқлар). Бу совхоз давлатга гўшт сотиш суръатини 51 процент, сут сотиш суръатини 13 процент, тухум сотиш суръатини 50 процент ўстиришни таъминлаган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда мол ва паррандалар сонини кўпайтиришда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда юқори ўсишга эришган.

Байроқ Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозидан олиб берилади.

Оққўрғон ва Бўка районларида чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришда юксак суръатларга эришиш юзасидан белгиланган тадбирларни бажаришда яхши ишлар қилинаётганлиги қайд этилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Калинин районига, Бўка районидаги «Партия XIX съезди» ҳамда Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозларига, Тошкент районидаги А. Абдураҳмонов номли совхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Бўстонлиқ район партия комитети ва Тошкент олий партия мактаби ҳамкорликда ўтказган илмий-амалий конференция меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқариш активлигини ўстириш, интизомни мустаҳкамлаш, иш услубини такомиллаштиришда бошланғич партия ташкилотлари ролини оширишга бағишланди.

Конференция қатнашчилари Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Ҳайдуровнинг «КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида район бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини такомилаштириш», Тошкент олий партия мактаби ректори, тарих фанлари доктори, профессор М. Й. Искандаровнинг «1983 йил 7 апрелда Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси якунлари», Тошкент олий партия мактаби декани, тарих фанлари кандидати А. Шоюсуповнинг «Агросаноат комплекси шароитида партия ташкилотлари раҳбарлигининг ўзига хос томонлари» тўғрисидаги докладларини тинглаб муҳокама қилдилар.

Конференцияда Тошкент область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари М. И. Кунов сўзга чиқди.

Конференция тегишли тавсиялар қабул қилди.

КОСМОНАВТ ЯНГИОБОДЛИКЛАР МЕҲМОНИ

Янгиобод шаҳрининг минглаб меҳнаткашлари умумхалқ ҳашарида фаол қатнашдилар. Улар учун шанбалик қўш байрамга айланди. Чунки шу куни СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Жонибеков янгиободликлар меҳмони бўлди. У шаҳар меҳнаткашлари билан биргаликда ленинча коммунистик шанбаликда қатнашди.

Космонавт учувчи 174-шаҳар ҳунар-техника билим юртида бўлиб, бу ерда ташкил этилган космонавтлар музейи экспонатларини кўздан кечирди. Сўнгра билим юрти ўқитувчи ва ўқувчилари билан суҳбатлашди.

СССР НАРХЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА

СССР Нархлар давлат комитети СССР Министрлар Советининг халқ истеъмол қиладиган айрим моллар давлат чакана нархларини камайтириш тўғрисидаги қўрсатмасига мувофиқ янги прейскурантларни тасдиқлади, бу прейскурантлар 1983 йил 25 апрелдан амал қила бошлайди.

Ана шу прейскурантларда:

қорақўлли ёқалар чакана нархини ўрта ҳисобда 20 процент, норкали ёқалар нархини 35 процент камайтириш кўзда тутилган. Шунга мувофиқ равишда норка ёқали қишки аёллар пальтосининг чакана нархлари 21 процент ва қорақўл ёқали эркаклар пальтосининг чакана нархлари ўрта ҳисобда 7 процент камайтирилди;

соф жундан тўқилган гулли рўмоллар чакана нархи ўрта ҳисобда 40 процент;

шойи чойшаб ва ёстиқ жилдлар айрим турларининг чакана нархлари ўрта ҳисобда 40 процент камайтирилди.

Чакана нархларни камайтиришнинг жами суммаси бир йил ҳисобида 1,4 миллард сўмни ташкил қилади.

ОБЛАСТИМИЗ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА ЛЕНИНЧА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК ЗЎР УЮШҚОҚЛИК, ЮКСАК САМАРА ВА КЎТАРИНКИ МЕҲНАТ БИЛАН ЎТДИ

• ТОШКЕНТ

КОММУНИСТИК шанбалик. Оддийгина сўзлар. Лекин, салмоғи, моҳияти, мазмуни бениҳоя ўлчовсиздир. Меҳнатга коммунистик муносабатнинг куртаги сифатида пайдо бўлган бу ажойиб ташаббус эндиликда мисли кўрилмаган даражада кенг қулоч ёзди, беқиёс кўламли бўлиб қолди.

Тошкентлик бунёдкорлар москваликларнинг улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 113 йиллигига бағишлаб, умумхалқ хашари ўтказиш ҳақидаги ташаббусини бажонидил маъқуллаб кутиб олдилар. Улар бу меҳнат байрамига тайёргарлик ишларини қизғин бошлаб юборишди. «Главташкентстрой»нинг барча бўлимларида штаблар тузилиб, улар шанбалик куни қилинадиган ишлар ҳажмини аниқладилар. Шунинг учун ҳам шанбалик куни эрта тонгдан яратувчилик меҳнати бошланиб кетди. 32 минг киши бунёдкорлик ишларида фаол қатнашди. Янги саноат объектлари, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар, магистрал йўллар қурилиши билан шуғулландик. Жами бўлиб 750 минг сўмлик пудрат ишлари амалга оширилди.

Бош бошқармамизга қарашли бинокорлик материаллари саноати, ремонт корхоналарида ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Ҳаммаси бўлиб 250 минг сўмликдан кўпроқ турли-туман қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди, бинокорлик асбоб-ускуналари қайта тикланди. Автотранспорт корхоналари коллективлари 50 минг тонна қурилиш юкларини белгиланган манзилларга етказиб бердилар.

Бош бошқармамизнинг ўнлаб злобинчи бригадалари шанбаликда оддий иш кунларидагига нисбатан юксакроқ меҳнат марраларини эгаллашга аҳд қилишди. Улар шу ваъдаларини тўла уддалаш учун барча имкониятларни сафарбар этдилар. Бизнинг бригадамиз аъзолари эса меҳнат байрамида топшириқни ўтказиш процент ошириб бажаришди, тушган маошни эса беш йиллик фондига ўтказдик.

Шанбалик бинокорларимиз халқимизнинг бу ажойиб анъанасига содиқ эканликларининг намойишига айланди, мамлакатимиз қуч-қудратини ошириш, совет халқи фаровонлигини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшганимиздан мамнунмиз.

Ҳ. ҚОРАБОЕВ,
11-«Висотстрой» трести пудратчи комплекс бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

• БЕКОБОД

▲ ЖАҲОНДА биринчи социалистик давлат асосчиси доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 113 йиллиги муносабати билан ўтказилган коммунистик шанбалик металлурглар шаҳри Бекободда ажойиб из қолдирди. Қайси майдон, кўча ёки ҳовлида бўлманг янги ўтказилган дарахт ва гул кўчатларига, оқлаб қўйилган дарахт ва тартибга келтирилган шинамгина дам олиш майдончаларига дуч келасиз.

Шанбаликка ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш шаҳар штаби аниқ ишлаб чиққан тадбирлар асосида иш юритиш натижасида меҳнат байрами кўнгилдагидек ўтди. 32 минг киши шаҳарни янада обод ва кўркам бўлиши йўлида тер тўкиб меҳнат қилди.

Аҳолига қулай бўлган жойларда филиаллар ташкил этилган, кўчма магазинлар, кафе ва чойхоналар кун бўйи меҳнаткашлар хизматида бўлди. Бадиий ҳаваскорлик тўгараклариниинг хушовоз хонанда ва созандалари тушлик пайтида корхона ва муассасаларда ишчи ва хизматчиларга ўзларининг янги концерт программаларини қўйиб бердилар.

Шаҳарнинг қатор корхоналарида ишлаб чиқарши илғорларн ўзларнинг шахсий иқтисод ҳисобларини очганларига анчагина бўлди. Уларнинг ҳар бири тежамкорлик ҳаракатига актив қўшилиб, ихтиёрларидаги барча хом ашё ва материаллардан омилкорлик билан фойдаланиб келдилар. Шанбалик куни эса кўпчилик ана шу тежалган хом ашё ёрдамида маҳсулотлар тайёрлашга киришди. Жами 8 корхона, 9 цех, 19 смена ва бригада, 750 ишчи иқтисод жамғармаларидан тўпланган хом ашё ва энергетика ресурсларини ишга солдилар.

«Шанбаликда фақат аъло сифат билан» — қатор саноат корхоналари ана шу шнор остида меҳнат қилганликлари ўз самарасини берди. Шаҳар бўйича тайёрланган жами 320 минг сўмлик саноат маҳсулоти ҳамда 165 минг сўмлик кенг истеъмол буюмларининг асосий қисми юқори сортларга топширилди. Шу кун тушган иш ҳақининг 49 минг сўми ўн биринчи беш йиллик фондига киритилди.

Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз аъзолари коммунистик шанбалик куни уюшқоқлик билан далаларга чиқишиб, юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилдилар. Шу куни минг сўмликдан зиёдроқ деҳқончилик ишлари бажарилди. Колхоз правленнеси аъзолари эса маданият саройи атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишида актив қатнашдилар.

Суратда: ҳашар авжида.

И. Портнов фотоси.

• ЧИРЧИҚ

▲ ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи коллективи айни пайтда муҳим воқеаларга тайёргарлик кўрмоқда. Кўп ўтмай корхона янги «КХУ—4» маркали культиваторлар ишлаб чиқара бошлайди. Ҳозир эса реконструкция ишлари авжида. Йил охиригача барча қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилиб, дастлабки машиналар конвейеридан тушиши керак. Объектда эса ишлар ошиб-тошиб ётибди. Шунинг учун завод меҳнат аҳли шанбаликни қурувчилар билан ҳамкорликда ўтказишга киришдилар.

Эрта тонгдан машинасозлар реконструкция қилинаётган участкаларда иш бошлаб юбордилар. Шу куни саноатчиларнинг ўзи объектда минглаб сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Лекин заводнинг шанбаликда иштирок этган 4 минг кишилик меҳнаткаш армияси шу билангина кифояланмадилар. Қишлоқ хўжалигимиз учун қўшимча тарзда 10 та кўрак чувиш ва 50 та культиватор жўнатилди.

Химия машинасозлиги заводи 2-механика цехининг область мукофоти лауреати Николай Тур бошчилигидаги бригадаси азаматлари корхонада ҳаммага ибрат бўлгудек суръатда меҳнат қилдилар. Кўпстаноқчилардан ташкил топган бригада слесарлари химия қурилмалари учун бир неча минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаб беришди. Бир беш йилликда ўн йилликни бажаришга сўз берган бригада сардори эса смена сўнгида қунлик топшириқни 200 процентдан ошириб бажарганлигини маълум қилди.

Қизғин шанбалик Чирчиқ шаҳрида ўз номи билан ҳақиқий оммавий меҳнат байрами тусини олди. 73 минг кишини ташкил этган ҳашарчилар кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини, яратувчилик тадбирларини амалга оширдилар. Юқорида тилга олиб ўтилган машинасозлик заводи реконструкцияси, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги «Аммиак» тайёрлаш комплекси қурилиши ва бошқа қатор объектларда 120 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Саноатчилар эса кун охиригача 900 минг сўмлик ялпи маҳсулот тайёрлаб бердилар. 70 минг сўм пул беш йиллик фондига ўтказилди.

• ЯНГИЙЎЛ

ЭРТА ТОНГ. Қуёш ўзининг заррин нурларини борлиққа тараташдан аввал шаҳар уйғонган эди. Шаҳар бўйлаб тараладиган карнай-сурнайлар садоси ҳаммани коммунистик меҳнат қучоғига чорлар эди.

Умумхалқ хашарига пухта ҳозирлик кўрилгани учун ҳам у юксак унумдорлик, кўтаринки руҳ, завқ-шавқ билан ўтди. Шанбаликда 43 мингга яқин янгийўллик қатнашди. 12 минг 300 киши ўз иш жойида бўлди. Шаҳар бўйича шу куни 800 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Шундан 500 минг сўмлигини халқ истеъмоли моллари ташкил этади.

Қурилаётган объектларда ҳам бунёдкорлик ишлари авжига чиқди. Қурувчилар астойдил меҳнат қилиб, 60 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Жумладан, ёрдамчи чорвачилик хўжаликларида 10 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Шанбаликда транспортчилар ҳам унумли ишладилар. Азамат шоферлар томонидан 32 минг тонна юк ташилди. Булардан ташқари 0,3 километр узунликдаги темир йўл ремонт қилиндии. 200 тонна металлоломи йиғилди.

Қувончлиси шундаки, шаҳардаги тўққиз корхона ва ташкилотлардаги 60 цех, участка ва бригадалар коллективлари шу куни тежалган хом ашё, электр энергияси ва ёнилғи ҳисобига ишлади.

Шанбалик куни шаҳардаги пойабзал фабрикасида 8,2 минг жуфт болалар оёқ кийимлари тайёрланди. Мебель фабрикасида эса 50 минг сўмлик уй жиҳозлари ишлаб чиқарилди. «Лаззат» кондитер бирлашмаси меҳнаткашлари эса 130 тонна ширинликларни савдо шохобчаларига жўнатишди. Шунингдек, шаҳардаги «Сельхоздеталь» заводида қишлоқ хўжалик машиналари учун 17 тонна металлдан эҳтиёт қисмлар тайёрланди. 2-босмахонада эса 330 минг китоб нашр этилди. Шаҳар бўйича шанбаликда жуда катта ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам бажарилди. Бу хайрли ишда 27 мингдан зиёд киши қатнашди. Шаҳар бўйича беш йиллик фондига 43 минг сўм маблағ ўтказилди.

Қ. КАРИМОВ.

• ОҲАНГАРОН

ОҲАНГАРОН шаҳар меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 113-йиллигига бағишланган шанбаликка пухта ҳозирлик кўрган ҳолда шай бўлиб келдилар. Барча ишлаб чиқариш коллективлари қилинадиган ишларни олдиндан белгилаб қўйдилар. Шунинг учун ҳам шанбалик куни ҳамма жойда яратувчилик меҳнати бир маромда юришиб кетди. Кўпчилик корхоналар ва ташкилотларда иш оддий кунлардагидан барвақт бошланди.

Шаҳардаги энг йирик корхона «Аҳангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида меҳнат бир зум ҳам тинмай давом этди. Клинкер, шифер, асбоцемент қувурлари, минерал пахта ишлаб чиқарувчи цехлар коллективлари юқори меҳнат кўрсаткичларига эришдилар. Улар мавжуд асбобускуналар, иш вақтидан самарали фойдаландилар, барча ишчилар бутун маҳоратлари, тажриба ва билимларини сафарбар этиб ишладилар. Шу туфайли ҳар бир участкада топшириқ ошиғи билан бажарилди. Бир кунда корхона бўйича пландан ташқари 5 минг сўмликдан ортиқ бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилди.

Корхоналараро социалистик мусобақада доим пешқадамлик қилиб келаётган «Стройпластмасса» комбинатида шанбалик юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкиликда ўтди. Иш бошлаш олдидан бўлиб ўтган митингда ишлаб чиқариш илғорлари, ветеран ишчилар сўзга чиқиб, колективни ишчи коржомасидаги меҳнат байрамини муносиб нишонлашга чақирдилар.

Бутун кун давомида зўр иштиёқ билан меҳнат қилган ишчи-хизматчилар зафари салмоқли бўлди. Иш якунланганда 87 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги маълум бўлди. Бу планда назарда тутилганидан деярли 16 минг сўмлик кўпдир.

Комбинатнинг 780 ишчи-хизматчиси шанбаликда иштирок этди. 300 нафардан зиёд меҳнаткашлар бевосита ўз иш жойларини эгалладилар. Бошқалар ёрдамчи тармоқларда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан банд бўлдилар. Шу куни тежаб қолинган материал ва хом ашё ҳисобидан 1200 квадрат метрдан кўпроқ линолеум ишлаб чиқарилди.

Б. АҲМЕДОВ.

БАХТИМИЗГА КАФОЛАТ

УЗБЕКИСТОН ССР Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси 1978 йил 19 апрелда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий қонуни) ни қабул қилди. Маълумки, СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан унинг асосида иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларини ишлаб чиқиш зарурати туғилган эди.

Республика Конституциясини янги ижтимоий шарт-шароитлар ва эҳтиёжлар, СССРнинг янги Конституцияси билан мувофиқ холга келтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Асосий қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Конституция комиссияси тузилди. Унинг ишида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонларнинг намоёндалари, олимлар, мутахассислар, партия, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ходимлари актив қатнашдилар.

Республика янги Конституцияси Ўзбекистон ССР экономикаси, фани ва маданиятини тараққий эттиришда, социалисик демократияни ривожлантиришда ўз ролини ўйнаган аввалги Конституциялар ғоялари ва принципларининг давомийлиги чуқур ифодасини топган.

Ўрта Осиёдаги Совет республикаларида миллий-давлат чегараланиши ўтказилгандан кейин Ўзбекистон ССР Советларининг 1927 йил мартида бўлиб ўтган II съездида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. У Ўзбекистон ССР дунёга келганлиги ва бошқа совет республикалари билан ягона, кўп миллатли давлат — СССР составига ихтиёрий равишда бирлашганлигини қонун тарзида расмийлаштирди.

Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилги Конституцияси республикада эксплуататор синфлар тугатилганлигини ифодалади, социализм ғалабасини мустаҳкамлади, ҳокимият ва бошқарув органларини шунга мувофиқ ҳолга келтирди.

Бу Конституция қабул этилгандан сўнг ўтган 40 йилдан кўпроқ вақт мобайнида бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон ССРда ҳам социал-сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. КПСС нинг ленинча миллий сиёсати изчил амалга оширилганлиги, совет халқларининг қардошларча дўстлиги туфайли Ўзбекистон қудратли, кўп тармоқли индустрия, юксак даражада механизациялашган кишлоқ хўжалиги, илғор илм-фан ва маданиятига эга бўлган республикага айланди.

Совет Ўзбекистони ривожланишининг ана шу сифат жиҳатидан янги босқичи Конституция билан мустаҳкамлаб берилиши лозим эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР янги Асосий қонунида СССР Конституциясида акс эттирилган ва барча қардош иттифоқдош республикалар учун муштарак аҳамиятга эга бўлган асосий қоидалар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга Конституцияда республиканинг тарихан таркиб топган хусусиятлари ҳамда унинг кўп миллатли совет давлати составида босиб ўтган шонли йўли ҳисобга олинди.

Конституция комиссиясига лойиҳани янада такомиллаштиришга қаратилган жами 1480 та таклиф тушди. Улар синчиклаб ўрганиб чиқилиб, маълум системага солинди ва лойиҳадаги 17 та моддага ўзгартиш ва тузатишлар киритилди.

Ўзбекистон ССРнинг янги Асосий қонуни ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган қоидалар билан бойиди. Энг аввало Конституцияда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси республика ишчилари, деҳқонлари ва зиёлиларининг, барча миллатлари ва элатлари меҳнаткашларининг ирода ва манфаатларини ифодаловчи социалистик умумхалқ давлатидир, дейилади. Унда Ўзбекистон ССРдаги бутун ҳокимият халқники эканлиги қайд этилган, КПССнинг раҳбарлик ва раҳнамолик роли батафсил таърифлаб берилган. Конституцияга меҳнат коллективларининг, комсомол, касаба союзлари, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисида моддалар киритилганлиги партиянинг ишлаб чиқаришни бошқаришда демократик негизларни ривожлантиришга қаратилган принципиал йўлини амалга оширишда янгилик бўлди.

«Давлат ва шахс» бўлимида СССР Конституциясига мувофиқ республика гражданларининг ҳуқуқ ва бурчлари анча кенгайтирилган, чуқурлаштирилган. Улар шахсни уйғун равишда ҳар томонлама ривожлантиришга, ишлаб чиқаришда, жамоат ҳаётида кенг ташаббус кўрсатишига, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишга, коммунистик аҳлоқ принципларига риоя этишга қаратилган.

«Социал ривожланиш ва маданият» бобида республикада маориф, фан ва санъатни ривожлантириш тўғрисида, гражданларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ҳақида доимий ғамхўрлик қилиниши лозимлиги тўғрисида бир қанча янги моддалар киритилган. Асосий қонунга биринчи бор «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани» деган янги махсус боб киритилган.

Ўзбекистон ССР Конституцияси қабул қилингандан буён ўтган беш йил унинг республика ҳаётининг ҳамма соҳаларига чуқур таъсир кўрсатаётганлигини исботлаяпти. Совет Ўзбекистонида саноат, қишлоқ хўжалиги тобора тараққий этмоқда, фан ва маданият юксалмоқда. Шуни айтиш кифояки, Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажми кейинги 60 йил мобайнида 428 бараварга кўпайди. Республика меҳнаткашлари бир неча йилдан бери Ватанга 6 миллион тонналик «оқ олтин» армуғон этмоқдалар. Мамлакатимизда етиштирилаётган канопнинг ҳаммаси, пилланинг 62 проценти, қоракўл терининг учдан бир қисмидан кўпроғи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Республиканинг тўққиз мингдан кўпроқ мактабида 4 миллиондан зиёд ўқувчи, 43 та олий ўқув юртида 285 минг студент таҳсил олмоқда. Ўзбекистон Совет Шарқининг энг катта илмий марказига айланган. Республика илмий муассасаларида 960 нафардан кўпроқ фан доктори ва қарийб 13,5 минг фан кандидати ишлаяпти.

«СССРнинг янги Конституцияси совет жамиятининг миллий давлат негизларини мустаҳкамлашда катта палла бўлди,— деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида. — Бу буюк ҳужжатда ўтган ривожланиш даврига якун ясалибгина қолмай, шу билан бирга мамлакатдаги барча миллат ва элатларни янада равнақ топтириш ва ўзаро яқинлаштириш учун пухта, пишиқ, сиёсий-ҳуқуқий асослар ҳам белгилаб берилди». Республикамиз меҳнаткашлари ҳам Ўзбекистон ССР Асосий қонуни белгилаб берган ана шу сиёсий-ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда коммунистик қурилишда янги-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

М. САИДАЗИМОВ,
юридик фанлари кандидати.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

10 ТОННА ГЎШТ, 40 ТОННА СУТ

«Облколхозстрой»га қарашли Ўрта Чирчиқ районидаги 98-кўчма механизациялашган колонна коллективи ёрдамчи хўжаликни кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқда. Ўтган йили 12 бош қорамол, 25 бош қўй боқилган эди. Ёрдамчи хўжаликдан 1,5 тонна гўшт, 22 тонна сут, 3 минг дона тухум, 1800 килограмм помидор, 1600 килограмм бодринг ишчи-хизматчиларга сотилган эди.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили ўтган даври ичида 3 тоннадан кўпроқ сут соғиб олинди. Теплицада 350 килограмм помидор, 250 килограммга яқин бодринг етиштирилди.

Корхона аҳли бу йил қорамоллар сонини 60 бошга, қўйларни 50 тага етказишга аҳд қилган. Улар чорва сонини кўпайтириш билан бирга унинг маҳсулдорлигини ошириш, йил охиригача 10 тонна гўшт, 40 тонна сут, ўтган йилгига нисбатан анча кўп тухум, помидор, бодринг етказиш учун курашмоқдалар.

Б. СОЛИХОВ.

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ ҲИСОБ БЕРМОҚДА

Областимиз корхоналари, ташкилот, муассаса, колхоз ва совхозларда халқ контроли группа ва постларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ниҳоясига етмоқда. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий кампания областимиз кўпминг кишилик назоратчилар армияси партия ва ҳукумат қарорларини, халқ хўжалиги планларини амалга ошириш устидан назорат қилишда қимматли тажриба тўплаганликларини кўрсатмоқда. Халқ назоратчилари ишлаб чиқариш резервларини қидириб топишда, иш самарадорлиги ва сифатини оширишда, давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда актив иштирок этмоқдалар ва бу билан КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга оширишда, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шу билан бирга меҳнат коллективлари вакиллари йиғилиши ва конференциялари қатнашчилари халқ назоратчилари ҳисоботини тинглаб, улар фаолиятида йўл қўйилаётган айрим нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтдилар, камчиликларни бартараф этиш, назоратчилар иш самарадорлигини ошириш ва рейдлар таъсирчанлигини кучайтириш бўйича тавсиялар бердилар.

Кейинги пайтда Тошкент тўқимачилик, Олмалиқ конметаллургия комбинатлари, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи», «Электрохимпром», Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент политехника институтида халқ контроли комитетларини сайлаш бўйича коллектив вакилларининг конференциялари бўлиб ўтди.

Конференциялар ишида Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг, Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия комитетларининг, Тошкент области ва Тошкент шаҳри халқ контроли комитетларининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент авиация бўлинмасида бўлиб ўтган конференцияларда Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари И. Р. Арнаутов, Тошкент политехника институтида бўлиб ўтган конференцияда Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов ўртоқлар нутқ сўзладилар.

РУС ТИЛИ—ДЎСТ ТИЛИ

ЛАВҲА

МАКТУБ Гулчеҳра Зоировадан эди. Мавжуда опа хатни ўқиб, Гулчеҳра ва унинг дугоналари ўқиган йилларни эслади. Кечагина мактаб формасини кийиб юрган нимжонгина қиз бугун ўзбек мактабларида рус тилидан дарс берувчи муаллима бўлиб етишибди.

Ҳа, йиллар бир-бирини қувлаб боряпти. Эсида, эркин мавзуда иншо ёзиш топширилганда Гулчеҳра қисқа ва лўнда қилиб «Мен рус тили ўқитувчиси бўламан ва айнан ўқитувчимиз Мавжуда опанинг худди ўзлари бўлишни истайман. Бу истагимга албатта эришаман», деб ёзган эди. Мавжуда опа ўқувчисининг иншосини ўқиб, шалоладек жўшқин қалбнинг ҳад-ҳудудсиз орзулари бегубор эканлигига ишонган эди.

Мавжуда опа ўқитувчилар билан бўладиган суҳбатларда, кенгашларда болаларга фақат дарс беришнинг, илм ўргатишнинг ўзи камлик қилишини қайта-қайта таъкидлайди. Дарс ўтишлар, билим беришлар замирида болага нисбатан илиқ муносабат, меҳр бўлиши шарт эканлигини кўп гапиради. Шунинг учунми, Мавжуда опа қўлида таҳсил кўрган йигит-қизлар ҳамон уни ўзига жуда ҳам яқин тутишади. Гулчеҳра ёзган мактубни ўқиган опа бунга яна бир бор иқрор бўлди.

Мавжуда опа педагоглик фаолиятини бошлаганига 30 йилдан ошиб кетди. Пойтахтимиздаги Ойбек номли 115-мактабда рус тилидан дарс бериб келаётганига эса 15 йил бўлди.

1978 йилда опанинг ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. Кўп йиллик педагогик фаолияти муносиб тақдирланиб, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Уни биринчи қутлашга ошиққанлар ҳам ўша куни яна шогирдлари бўлди. СССР Олий Совети депутатлигига сайланганида ҳам шогирдларининг боши кўкка етганди.

Мавжуда опа депутат сифатида озмунча одамлар билан учрашдими, улар дардига ва қувончига шерик бўлдими.

— Баъзан, — дейди у, — ишимизга алоқаси бўлмаган масалалар билан ҳам мурожаат қилишади. Мен барибир диққат билан эшитаман, йўл-йўриқ кўрсатаман, ҳали ҳузуримдан бирорта одам ишқ битмай норози бўлиб кетмаган. Квартира олиш, оилани мустаҳкамлаш, боғчага фарзандини жойлаштириш, пенсияни расмийлаштириш каби турмушнинг турли хил масалаларига депутат сифатида аралашишга тўғри келган.

— Мактабимизда эл ҳурматини қозонган, тажрибали, ёшларнинг меҳрибон устози Мавжуда опа ишлаётганлиги билан доим фахрланамиз, — дейди мактаб директори Муборак Исаева. — Ҳар ишда опа бизга ибрат бўладилар.

Мактаб фойесига кираверишда Мавжуда опа билан бўлган турли учрашувлардаги суратлар, суҳбат пайтларидан лавҳалар жамланган стенд қўйилган. Суратларга қараймизу, оддий совет ўқитувчисининг инсоний фазилатлари, педагогга хос хислатлари, халқ орасида қозонган обрў-эътиборига беихтиёр ҳавасимиз келади.

Дарсга қўнғироқ чалинди. Жамила Юнусова ва Нодира Юсуповалар қўлда синф журналлари билан рус тили ўқитиш кабинетлари сари илдам юриб кетдилар. Улар ортидан қараб қоларкан, Мавжуда опа ўз издошлари кўпайиб бораётганидан мамнун бўлди. Кечагина Жамила ҳам, Нодира ҳам Мавжуда опанинг ўқувчилари эди. Бутун эса устози изидан бориб, фарзандларига улуғ рус тилидан сабоқ бермоқдалар.

Куни кеча мактаб ҳовлисига юқори синф ўқувчилари тўпланишди. Уларнинг қўлларида баҳорнинг илк чечакларидан тузалган гулдасталар. Ана, узоқдан опа кўринди. Баҳорнинг майин шамоли нуқрадек сочларини, нур тўла юзларини сийпалаб ўтмоқда.

—Келяптилар, — дейишди секин болалар.

Ўқувчилар кутаётганини сезиб, опанинг юзлари ёришиб кетди. Йигит-қизлар устозига гулдасталар тақдим этиб, уни яқинлашиб келаётган байрам билан фарзандларидек қизғин муборакбод этдилар. Опа мамнун ҳолда шогирдлари даврасида узоқ туриб қолди.

Шу топда СССР халқ маорифи аълочиси, устоз муаллима Мавжуда Самадованинг қалби ажиб туйғулар оғушида эди.

М. ТУРОБОВА.

БЕДА ЎРИЛМОҚДА

Тошкент областидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми бедапояларида мўл ҳосил етиштирилган. Хўжалик механизаторлари беда ўримига киришдилар. Улар ҳар гектар ердан пичанга айлантириб ҳисобланганда 50 центнердан озуқа йиғиштириб олмоқдалар.

Хўжаликда ҳар йили беда ҳосили олиш норма бўлиб қолди. Ички хўжалик ихтисослашувини жорий этиш йўли билан шунга эришилди. Наслчилик совхоз техникуми механизаторлари бу йилги мавсумда ўз олдиларига ҳар бир ўрим орасидаги даврни ниҳоятда қисқартириб, шунинг ҳисобига бедани қўшимча равишда ўриб олиш учун вақтдан ютиш мақсадини қўйдилар. Улар мавсумда бедапоялардан 230 центнерга етказиб пичан олишни мўлжалламоқдалар. Бу эса топшириқдагига қараганда 80 центнер кўпдир.

(ЎзТАГ мухбири).



Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса барча цех ва участкаларда графикдан ўзиб ишлаш имконини беряпти.

Суратда: май ойи ҳисобига объектларга панеллар жўнатаётган тик қолиплаш цехининг шпаклевка участасида.

В. Портнов фотоси.

ДРАМАТУРГИЯ ВА ЗАМОН ТАЛАБИ

Бугун Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари драматургларининг «Совет адабиёти проблемалари, кўп миллатли СССР халқлари драматургиясининг ўзаро таъсири ва бойиб бориши» мавзуда ижодий конференцияси очилади.

КОММУНИСТИК партия ва ҳукуматимиз адабиётнинг барча жанрлари қатори драматургия, шунингдек, театр санъатини ривожлантиришга катта эътибор бериб, алоҳида ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ялта ва Дубулти сингари оромгоҳ шаҳарларда ҳар йили мунтасил ўтказиб келинаётган драматургларнинг Бутуниттифоқ семинари, ўтган йили «Современная драматургия» альманахининг ташкил этилиши, 1982 йилда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида бўлиб ўтган ёш драматургларнинг 20 кунлик семинари, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида энг яхши саҳна асарларини тўплам шаклида мунтасил чоп этиб боришга қарор қилинганлиги ва бошқа қатор тадбирлар ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Яқинда эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Театр санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш ҳамда республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарор республикамиз барча санъаткорлари, шунингдек, биз, драматурглар учун яна бир дастуриламал бўлиб қолди.

Биз ҳозирнинг ўзидаёқ бу қарорни бажариш юзасидан амалга оширилаётган қатор тадбирларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жумладан, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги томонидан уюштирилган театршунос олимлар, театр режиссёрлари ва рассомлари, шунингдек, драматурглардан иборат махсус группалар ўн кун давомида республикамиздаги барча театрларда бўлиб, уларнинг ижодий фаолияти билан чуқур танишиб қайтишди. Ана шундай бир вазиятда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари драматурглари ижодий конференциясининг Ўзбекистонда ўтказилиши катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ўзбек совет драматургиясини рус ва жаҳон драматургиясининг ижодий таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек совет драматургиясининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан тортиб энди биринчи саҳна асарини ёзган ёш драматургларга қадар ана шу улкан мактабдан сабоқ олиб келишмоқда. Шунингдек, барча миллий республикалар сингари ўзбек совет драматургиясининг ривожланишида ҳам кўп миллатли Совет Иттифоқи халқлари драматургиясининг таъсири катта роль ўйнамоқда.

Республикамиздаги барча театрларнинг репертуарлари ўзбек драматурглари билан бир қаторда рус ва украин, латиш ва грузин, қозоқ ва қирғиз, белорус ва озарбайжон, тожик ва татар ҳамда бошқа қардош драматургларнинг асарлари ҳисобига бойиб бормоқда. Айни вақтда, Виктор Розовнинг «Тундан оқшомгача», Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», Анатолий Софроновнинг «Юрак операцияси», Андрей Макаёнокнинг «Бегуноҳ айлиё», Озод Абдуллиннинг «Ўн учинчи раис», Имрон Қосимовнинг «Дорани кенгроқ олинг», Мамедгали Хасеновнинг «Ёшлик—бебошлик», Қувондиқ Шонғитбоевнинг «Жон қизлар» пьесалари Ҳамза номидаги академик театрда, Муқимий номли, «Ёш гвардия», республика ёш томошабинлар ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Қўқон шаҳар ва бошқа театрларимизда катта қизиқиш билан томоша қилиняпти. Айни кунларда Ҳамза номидаги Давлат академик драма театрида «Абай» пьесасини Олмаота шаҳридаги Мухтор Авезов номидаги қозоқ академик драма театрининг бош режиссёри Озарбайжон Мамбетов томонидан, Мухтор Авезов номли театрда эса «Навоий» пьесасини академик театримиз бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев томонидан саҳналаштириш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Қардош халқлар драматургиясининг энг яхши намуналарини таржима қилиб ўзбек театрларида саҳналаштириш, шубҳасиз, ижобий натижалар беряпти. Биринчидан, бу ўзбек томошабинни қардош халқлар драматургиясининг энг яхши асарлари билан таништириб борса, иккинчидан, драматургиямизнинг ўзаро ижодий ҳамкорлигини кучайтиради, бир-бирини бойитади, режиссёр, театр рассомлари ва актёрларимизнинг тажриба ва маҳоратларини оширишда яхши омил бўлиб хизмат қилади.

Иририк драматурглар, адабиётчи ва театршунос олимлар, режиссёр ва актёрлар «Совет адабиёти проблемалари, кўп миллатли СССР халқлари драматургиясининг ўзаро таъсири ва бойиб бориши» мавзусида ўзаро фикр алмашадиган ижодий конференция мана шундай ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳам, шубҳасиз, ёрдам беради. Конференцияда СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, драматург А. Салинский бошчилигида таниқли драматурглар, адабиётшунослар қатнашади. Жумладан, «Театральная жизнь» журналининг бош редактори Н. Мирошниченко, машҳур рус драматургларидан В. Розов, С. Алешин, А. Жуховицкий, Г. Полонский, М. Ворфоломеев, Э. Радзинский ва бошқа таниқли ижодкорлар, шунингдек, қардош Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларидан қатор драматурглар бу анжуманда иштирок этишмоқда.

Конференция ишида ўзбекистонлик драматурглар, ирирк адабиётчи ва театршунос олимлар, режиссёр ва театр санъатини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади.

М. ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи драматургия Совети раисининг ўринбосари.

КЕНГАШГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

РАЙОНИМИЗ қишлоқ хўжалиги механизаторлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик шонли юбилейи нишонланган йилни меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Пахта тайёрлаш йиллик планини энг қисқа муддатда — 2 октябрда шараф билан уддаланди. Ўтган йили давлат қабул пунктларига қарийб 80 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Етиштирилган ҳосилнинг 87 проценти ёки 69 минг тоннаси машиналар ёрдамида терилди. Бошқа соҳаларда эришилган муваффақиятлар ҳам қувончли бўлди. Давлатга дон, сабзавот, полиз экинлари, мева ва узум ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан олинган топшириқлар оширib бажарилди.

Йилни яхши якунлаган меҳнаткашларимиз пешмапеш янги ҳосилга замин ҳозирлашни бошлаб юбордилар. 21600 гектар пахта майдони кузданёқ сифатли шудгорлаб қўйилди. Бундан ташқари бошқа маҳсулотлар етиштиришга мўлжалланган 12 минг гектар майдонлар ҳайдалиб, баҳорга шай қилиб қўйилди.

Албатта, бундай ютуқларга деҳқонларнинг яқин кўмакчиси бўлган машина ва механизмлар туфайли эришилди. Демак, бизнинг «Госкомсельхозтехника»мизнинг ишчи ва хизматчиларининг меҳнатлари зое кетмабди. «Тошкент технологияси» жорий этилишида ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Демак, деҳқон билан ишчининг ҳамкорлиги ишимизда фақат галаба келтиради. Областимизнинг бир гуруҳ илғор хўжалик раҳбарлари, мутахассислари ва механизаторларининг техникани авайлаш, унинг умрини узайтириш юзасидан Мурожаатида «Госкомсельхозтехника»нинг район бирлашмалари шаънига ҳам ҳаққоний эътирозлар билдирилган эди. Буни инкор этолмаймиз ҳам. Чунки ана шундай масъулиятсиз, бефарқ, мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутадиган ходимларимиз йўқ эмас.

Фараз қилинг тракторнинг кичкина детали ишдан чиқди. Унинг унуми пасаяди. Баъзан эса бекор туриб қолади. Бунга биринчи навбатда бирлашмада ремонт билан шуғулланувчи ишчи сабабчидир. Чунки ана шу деталини у менсимай, қўл учида ремонт қилган. Ваҳоланки, машина ва механизмларнинг ишдан чиқишига ана шу арзимаган икир-чикирлар сабаб бўлади. Баъзан эса аксинча. Биз сифатли ремонт қилиб чиқарган тракторни масъулиятсиз механизатор бошқаради ва ишдан чиқаради.

Меҳнат фаоллияти юзасидан кўпгина хўжаликларда бўлиб бевосита биз ремонтдан чиқарган тракторлар иш жараёнини кузатаман. Ана шундай учрашувлар давомида кўпгина механизаторларимизнинг техникага юракдан меҳр қўйиши унинг умрини узайтиришнинг биринчи омили эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Мана, бир мисол: «Ленинизм» колхозининг пешқадам механизатори Саидазим Холхўжаев 13 йилдирки, битта тракторни бошқаради. Хўжалик раҳбарлари унга бир неча марта янги трактор олишни таклиф қилишди. Лекин у олмади. Ўз агрегатини моҳирлик билан ишлатиб, деҳқонлар оғирини енгил қиляпти.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усеинов, Ҳамза номли колхоздан Тоғай Мусурмонов, «Коммунизм» колхозидан Ором Ҳасанов, «Бўка» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалёва, «Партия XIX съезди» колхозидан Сотиболди Исмоилов сингари механизаторлар бизнинг фахримиз.

Лекин трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини пала-партиш ишлатиб, уларнинг ремонти ва қаровини вақтида ўтказмаётган механизаторлар ҳам учрайди. Баъзи механизаторлар бу ишни тажрибасизлиги оқибатида қилса, баъзилари кўра-била туриб ишга шундай муносабатда бўладилар. Ана шундай кишиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида ўтган йили биргина культиваторлар ремонтига 5 минг сўм кўп сарфланди.

Мурожаат юзасидан бирлашмамиз ишчилари янги тадбирлар ишлаб чиқди. Эндиликда биз колхоз, совхозлар ва бошқа корхоналар билан алоқамизни янада мустаҳкамлаймиз. Аввало машина ва механизмлар ремонтининг аъло сифатда бажарилишини таъминлаймиз. Ишчиларимиз ўртасида ташкил этилган мусобақага ишнинг сифатига қараб якун ясалади. Бирлашма қошида штаб ташкил этилган. Штаб қошида икки группа ремонтчилар иш олиб боради. Улар 5 та кўчма устахонага бўлиниб, далаларни айланиб, механизаторларга хизмат кўрсатишади.

Ҳамжиҳатликда ган кўп. Қаерда бу иш яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда, муваффақият бўлади. Ишчи ва деҳқон ҳамкорлигининг, бир-бирига ишончининг том маъноси ҳам ана шундадир.

Ҳозиргача Бўка, Пискент ва Ўрта Чирчиқ райони хўжаликларидан келтирилган 472 чопиқ трактори, 346 та сеялка, 421 та культиватор, 346 та экиш агрегати, 1370 дона тишли ва 32 дискали борона, 52 та чизел агрегати ремонтдан чиқарилиб, эгаларига жўнатилди. Бундан ташқари 225 та ҳайдов трактори ва шунча плуг мавсумга тахт. Чигит экиш олдидан зараркунандаларга қарши гербицид сепишда фойдаланадиган «ПГС-2,4» мосламалари ҳам тайёрлаб берилди.

Корхонамиз ишчилари ва инженер-техник ходимлари йиллик планни 25 декабрда бажаришга аҳд қилдилар. Пландан ташқари 20 минг сўмлик иш бажарилади. 5 та пахта териш машинаси ва 5 та трактор қўшимча ремонт қилинади. Топширикда белгиланган меҳнат унумдорлиги планига қўшимча 3 процент оширилади. Бизнинг бу режаларимизни амалга оширишда районимиз хўжаликларида меҳнат қилаётган механизаторларнинг ҳиссаси қўшимлари табиий. Чунки улар ўзларига топширилган трактор агрегатлардан сифатли фойдаланишса, умрини узайтиришса биз учун ҳам ўзлари учун ҳам фойда бўлади.

Қарс икки қўлдан чиқади. Шундай экан, ҳамкорлигимизни янада кучайтирайлик, тракторлар, машиналар умрини янада узайтирайлик.

В. МИРЗАҚУЛОВ,
«Госкомсельхозтехника»нинг Бўка район бирлашмаси бошқарувчиси.

ТЕХНИКАНИ АВАЙЛАЙЛИК, УМРИНИ УЗАЙТИРАЙЛИК

6 МИНГ БОШГА ЕТАДИ

«ЛЕНИНГРАД» колхози чорвадорлари Бўстонлиқ районида биринчи бўлиб қўзи олиш юзасидан зиммаларидаги социалистик мажбуриятни бажардилар. 4242 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 115 тадан соғлом қўзи олинди.

Хўжаликнинг Бегим Таслибоев, Оқбой Есимов, Турдимат Амирқулов, Номоз Қолдибоев ўртоқлар бошчилик қилаётган отарларида бу кўрсаткич 120—135 таданга етди. Шунисн диққатга сазоворки, бу қўзиларнинг ҳаммаси соғлом ўсмоқда.

— Ҳадемай қўзилатишни тўла тугаллаймиз, — дейди тажрибали чўпон Б. Таслибоев. — Бу ишимизнинг дастлабки босқичи. Эндиликда уларни соғлом ва дуркун ривожланишини таъминлашимиз керак. Бунинг учун барча имкониятлар бор.

Колхоз қўйчивонлари насл олишни давом эттиришяпти. Улар бу йил совлиқлардан камида 6 минг бош қўзи олишга аҳд қилдилар.

А. ИБРОҲИМОВ.

ҲИСОБИДА — 2 МИЛЛИОН КИЛОМЕТР

Алимкентдаги 46-автокорхона шофёрлари ҳамкасблари Мартен Тигасянни ажойиб воқеа билан табриклашди. Унинг коллективда меҳнат қилаётганига 20 йил тўлди. Шу давр ичида аварияcиз босиб ўтган йўли эса 2 миллион километрдан ошиб кетди.

Юкларни манзилгача белгиланган муддатда бехавотир етказиб бераётган тажрибали ҳайдовчи план-топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажариб келаяпти.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон райони.

САФАР РАСМЛАРИ

Республика қўғирчоқ театрида ана шу ном билан расмлар кўргазмаси очилди. Экспонатлар театр бош рассоми, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Вениамин Акудин қаламига мансубдир.

«Бирма-72», «Индия-77», «Кобул-80», «Болгария-82» деб ёзилган турли манзара расмлари, мазкур мамлакатларнинг архитектура ёдгорликлари, республикамиз қўғирчоқ усталарининг турли йиллардаги ижодий сафарлари ва у ердан олган таассуротларини томошабин эсига туширади.

О. ТОШПЎЛАТОВ.

МУҲИМ ИШЛАРИМИЗДАН БИРИ

ЯНГИЧА УРФ-ОДАТЛАРНИ МЕҲНАТКАШЛАР ТУРМУШИГА СИНГДИРИШ ВА ПРОПАГАНДА ҚИЛИШ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ИЙҒИЛИШИ

Область партия комитетида янгича урф-одатларни меҳнаткашлар турмушига сингдириш ва пропаганда қилиш область Советининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Янгийўл район партия комитетининг секретари Р. Тожибоев район меҳнаткашлари ўртасида янгича урф-одатларни пропаганда қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди. У қилинаётган ишлар, тўпланган илғор тажрибаларни қайд қилиш билан бирга бу соҳада ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, мавжуд камчилик ва нуқсонларга ҳам тўхталиб ўтди. Район комсомол комитетининг биринчи секретари Ғ. Қўчқоров, Усмон Юсупов номли агросаноат ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директорининг маданий ва маиший ишлар бўйича ўринбосари Т. Аминов, Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари Ш. Абдукаримов ўртоқлар мазкур масала юзасидан қўшимча ахборот бердилар ва фикр мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Совет шунингдек область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи А. Саидовнинг областдаги маиший хизмат тармоқларида янгича маросимларни ўтказишни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар қандай ҳал этилаётгани ҳақидаги ҳисоботини тинглади ва муҳокама қилди. Олмалиқ шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишлаб-чиқариш бошлиғи О. Фикиль шаҳар маиший хизмат кўрсатиш уйида амалга оширилаётган тадбирлар, белгиланган режалар ҳақида ўртоқлашди.

Йиғилишда янгича урф-одатларни меҳнаткашлар турмушига сингдириш ва пропаганда қилиш область Советининг 1983 йил иш плани тасдиқланди.

Совет раиси, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Х. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг директори А. П. Қаюмов йиғилишга якун ясаш билан бирга мухокама қилинган масалалар, галдаги вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

ДЕҲҚОНЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИБ

ЗИКИР Умаралиев номини Тошкент районидаги «Ленинград» совхози меҳнаткашлари ҳурмат билан тилга олишади. Йўқ, у донгдор деҳқон эмас. Шу хўжаликда бир неча йилдан бери комплекс қурилиш бригадасига бошчилик қилиб келяпти. 18 кишидан иборат бунёдкорлар совхоз территориясида олиб бориладиган ҳар бир қурилиш ишига бош-қош бўладилар.

Айни кунларда ҳам бригадада иш қизғин. Қурувчилар дала ишлари айни қизиган бир пайтда шийпонларни сифатли ремонтдан чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозиргача 5 та дала шийпони фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Бундан ташқари сут-товар фермасининг биноси ҳам янгидан қурилгандек бўлди. Бу ишларни бажаришда бригаданинг Жаҳонгир Мусаев, Раҳим Қайиқбоев, Жўрабой Адиев сингари ремонтчилари жонбозлик кўрсатдилар. Улар смена топшириқларини 1,5—2 ҳиссага етказиб адо этишяпти.

Т. ДЎСОНОВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

БАБРАК КАРМАЛНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КОБУЛ. Афғонистон халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал Афғонистон қуролли кучларининг революцион жараёндаги, янги жамият қуриш ишидаги ролига юқори баҳо берди. У ҳарбий академия офицерлари ва тингловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида мамлакат армияси — ўз сафларида ҳақиқий интернационал ватанпарварларни бирлаштириб турган янги типдаги армия эканини уқтириб ўтди.

Б. Кармал реакция ва империализмнинг, аввало Америка империализмининг халқ ҳокимиятига қарши кирдикорларини қоралади.

Мана шундай шароитда Апрель революцияси ғалабаларини, мамлакатнинг миллий суверенитети ва территориал бутунлигини қурол билан ҳимоя қилиш шу кунининг энг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Мана шу муҳим тарихий вазифани бажариш биринчи галда АДР қуролли кучларининг зиммасига тушмоқда.

Б. Кармал АДРда совет қўшинларининг чекланган қисмлари турганлиги ҳақида гапириб, бу қисмлар АДР ҳукуматининг илтимосига биноан, Афғонистоннинг суверенитети ва миллий мустақиллигини ҳимоя қилиш учун юборилган, деб таъкидлади. Ҳозир совет жангчилари афғон жангчилари билан биргаликда агрессияни даф қилиш соҳасидаги ўз интернационал бурчларини муваффақиятли равишда бажармоқдалар.

Афғонистон раҳбари АДР ташқи сиёсатининг баъзи жиҳатларига тўхталиб, Афғонистон теварагидаги вазиятни сиёсий йўл билан бартараф этиш жараёни бошланганини айтди.

Касаба союзлар ягона федерациясининг даъватига биноан Италияда меҳнаткашларнинг умумий забастовкаси бўлиб ўтди. Улар ҳукумат ҳамда корхоналар эгаларининг меҳнаткашлар қонуний ҳуқуқларини поймол қилаётганликларига қарши норозилик билдирдилар.

Суратда: забастовка қатнашчилари Рим кўчаларида.

ТАСС фотохроникаси.

МИЛИТАРИСТИК ЙЎЛИДАН ҚАЙТМАЯПТИЛАР

ЛОНДОН. М. Тэтчернинг консерватив ҳукумати ўзининг милитаристик йўлидан воз кечмай, ҳарбий қудратни ошириш сиёсатини ўтказа бериш ниятидан қайтмаяпти. Буюк Британия мудофаа министри М. Хезлтайннинг Саут—Миммс шаҳрида консерваторлар партиясининг аъзолари ҳузурида сўзлаган нутқи мана шундан далолат беради.

М. Хезлтайн ядровий қуролсизланишни талаб қилаётган лейбористлар партиясини ёппасига қоралаб, консерваторлар кабинети бундан буён ҳам энг янги турдаги қурол-яроғларни, шу жумладан ядро қуролини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини кескин кўпайтиришни кўзда тутувчи ҳарбий сиёсатни давом эттираверади, деб ошкора айтди. Мудофаа министри шу йўлни оқлаш учун «совет ҳарбий хавфи» деган афсонани яна такрорлади.

Ҳарбий қурилиш соҳасидаги беҳуда ҳаражатлар пировард натижада экономиканинг тинч тармоқларидаги иш жойлари тугашига олиб бораётганлиги факти хусусида министр лом-мим демади. Жумладан, мамлакатни консерваторлар идора қилиб келаётган вақт ичида икки миллионга яқин иш жойи тугатилганлиги факти мана шундан далолат беради.

(ТАСС, 18 апрель).

КИПР ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ДАЪВАТИ

НИКОСИЯ, 18. (ТАСС). Умумкипр хотин-қизлар федерациясининг VI съезди ўз ишини тамомлади. Съезд қатнашчилари қабул қилган резолюцияда жаҳон империализми энг реакцион милитаристик доираларининг сиёсати ва аввало Рейган маъмуриятининг агрессив йўли кескин қораланади. Ҳужжатда Пентагоннинг нейтрон ва химия қуролини ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарори, Ғарбий Европада янги ядровий ракеталарини жойлаштиришга тайёргарлик кўрилаётганлиги, шунингдек «чекланган ядро уруши» назариясини пропаганда қилиш инсониятнинг яшаши учун жиддий хавф туғдираётганлиги ҳужжатда таъкидлаб ўтилади.

АГРЕССОРГА ЁРДАМ БЕРМОҚДАЛАР

ҚОҲИРА, 18. (ТАСС). Қўшма Штатлар қўшини араб мамлакатларига қарши узлуксиз ҳарбий ҳуруж қилиш учун фойдаланилаётган Исроил ҳарбий машинасини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашмоқда. Америка маъмуриятининг АҚШдаги ҳарбий корпорацияларга Исроил ҳарбий-ҳаво кучлари учун мўлжалланаётган янги «Лави» қирувчи-бомбардимончи самолётларга бир қанча узеллар ишлаб чиқаришда Исроил билан ҳамкорлик қилишларига ижозат берганлиги шу хатарли йўлда қўйилган яна бир қадам бўлди. Оқ уйнинг қарори, деди Исроил мудофаа министрлигининг матбуот секретари радио орқали сўзлаган нутқида. Исроилнинг ҳарбий заводларида янги самолётни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муддатларини анча қисқартириш имконини беради.

Шундай қилиб, Оқ уй Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга интилаётганлиги тўғрисида мунофиқона баёнотларга ниқобланиб, Тель—Авивнинг ҳарбий потенциалини кўпайтиришга кўмаклашиб, шу билан регионда кескинликни кучайтирмоқда, Исроил раҳбарларини янги агрессия бошлашга руҳлантирмоқда.

ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

КОЛХОЗДА АДАБИЙ КЕЧА

ЧИНОЗ районидаги К. Маркс номли колхоз клубида Ғафур Ғулом туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказилди. Кеча Ғафур Ғулом номли мактаб ва Ҳамза номидаги пионер ва ўқувчилар уйи томонидан уюштирилди. Унда академик-шоирнинг «Шум бола», «Сен етим эмассан» асарларидан айрим парчалар намойиш этилди.

Кечада пионерлар уйининг «Ёш мухбирлар» тўгараги раҳбари, ҳаваскор шоира Анора Пардабоева Ғ. Ғуломнинг ижодий фаолияти ҳақида доклад қилди. Шундан кейин 40-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Одила Жўрабоева улуғ сўз санъаткори шеъриятида хотин-қизлар образи хусусида тўхталди. Ўқувчилар шоир қаламига мансуб шеърлардан ифодали ўқиб бердилар.

Ўқитувчи Тоҳиржон Мансуров раҳбарлигида ёш қаламкашлар тўгараги аъзолари «Ассалом, академик-шоир!» деб номланган девориий газетанинг махсус сонини чиқардилар. Шу кунга бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Кечада ҳажвчи-шоир Зоҳиджон Обидов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлимининг масъул секретари ўринбосари, ёзувчи Жонрид Абдуллаҳонов шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида самимий сўзлар айтиб, янги асарларидан ўқиб бердилар.

А. ОРИПОВ.

«ХАНДА» СТУДЕНТЛАР МЕҲМОНИ

НИЗОМИЙ номли Тошкент Давлат педагогика институтида адабиёт ва санъат намояндалари билан тез-тез учрашувлар бўлиб туради. Яқинда институт талабалари ҳузурида «Ханда» сатирик ансамбли меҳмон бўлди. Ансамблнинг Шерқўзи Ғозиев, Ўсар Юсупов, Аъзамжон Ғозиев, Нонла Нурмуҳамедова ва бошқа хонанда, созанда ва раққосалари ўзларининг ранг-баранг мавзудаги қўшиқлари, сатирик ва юмористик асарлари, дилга ҳузур бағишловчи рақсларини намойиш қилдилар. Йиғилганларда, айниқса, «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» деб номланган сатирик программа кучли таассурот қолдирди.

А. НОРҚУЛОВ.

ШАРҚДА ЁРУҒ ДАРИЧА

Босмага топширилган плакатларнинг бири «Тошкент — тинчлик, дўстлик, биродарлик шаҳри» деб номланган. Уни рассом В. Евенко чизган. Плакатда 2000 рақами кўзга ташланади. Рақам узра Тошкентнинг бугунги қиёфаси бадиий бўёқларда акс эттирилган.

Тошкент жамоли рассомлар учун илҳом манбаи бўляпти. Рассом Б. Мальцев ишлаган плакатда ҳам шаҳримизнинг гўзал кўринишлари ўз ифодасини топган. Плакатга оловранг атиргул тасвири туширилган. Гул узра севимли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг машҳур сатрларини ўқиймиз. Шоир шаҳримизни улуғлаб шундай деб ёзган эди:

Муқаддас совет элин
Кўкси сену, бахти сен,
Шарқда ёруғ дарича,
Ўзбек пойтахтисен!

«Ўзбекистон» нашриёти Тошкентнинг шонли юбилейига бағишлаб яна бир қатор плакатлар тайёрламоқда. Уларда шаҳримизнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ифодаланган. Ҳозир 11 та плакат тайёрланиб, босмахонага топширилди. Айниқса В. Авруцкий, Г. Просвиров, М. Калинин каби рассомлар чизган плакатлар мутахассислар томонидан юқори баҳо олди.

ДОНОЛАР ҲИКМАТИ

● Қонқайноқ кўнгилча ҳақиқий буюкликнинг тўғонидир.

С. ЖОНЛИС.

● Кеккайиш, кам мулоҳазалилик ўзини ўзи билмасликнинг маҳсулидир.

Д. АДИССОН.

● Яшашдан мақсад ҳаётлигини билмаганларга минг афсус.

Б. ПАСКАЛЬ

● Шундай вақт келадики, одамлар қатъий равишда худди вабо ва ўлат билан курашгандек шовқин-суронга ҳам қарши кураш бошлайдилар.

Р. КОХ

● Ҳаво бурун бўшлиғидан ўтаётганда фақат чанг заррачаларидан тозаланиб, намланиб ва илибгина қолмасдан, балки бирга органнзмнинг қатор функцияларига ҳам ижобий таъсир қилади. Натижада нафас чуқурлиги ва тезлиги бирмунча ритмик ҳолга келади, бош миянинг қон билан таъминланиши яхшиланади, иш қобилияти ортади.

В. ТРУТНЕВ

Тўпловчи медицина фанлари кандидати З. ЭГАМБЕРДИЕВ.

● М. Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССР Давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» ансамбли Иттифоқнинг бошқа ансамбллари ичида фақат ўзбек халқ рақсларини ижро этувчи ягона ансамбл. Ансамбль ўзининг ижодий фаолиятини 1968 йилда бошлаган. Ансамбль репертуарида ўзбек халқ рақсларидан ташқари, Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатларнинг рақслари ҳам ўрин олган. Ансамбль ҳозирги кунда Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига янги концерт программаси тайёрламоқда. Суратда: ансамбль қизлари «Гулдаста» рақсини ижро этмоқдалар.

А. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

ВИЖДОНЛАРИГА ҲАВОЛА...

АЙНИ ёз кунларининг бирида Ҳумсон томон кетаётган машинада бир оила аъзолари жам эди. Улар йўлнинг 64-километрига етганида машина двигателининг овози қизиб кетди. Рулни бошқараётган 35 ёшли йигит — оила бошлиғи машинани йўл чеккасида тўхтатиб, капотни очиб, уни кўздан кечираётган эди. Шу пайт... қарама-қарши томондан келаётган бир юк машинаси унга баҳосдан уриб йиқитди-ю, дарҳол барча чироқларини ўчириб, тун қўйнида ғойиб бўлди.

Машинанинг ичида ўтирган хотини жароҳатланиб ерда ётган эрининг аҳволидан саросимага тушиб, нима қилишни билмай қолади. Вақт ярим кечага яқинлашган, кўчада ҳаракат деярли тўхтаган эди. Орадан ўн минутлар чамаси муддат ўтгач, Ғазалкент томондан машина чироқлари кўзга ташланди. Йўл юзида турган хотиннинг ишораси билан у тўхтади. «ГАЗ-21» «Волга» автомашинасининг ҳайдовчиси тушиб, шикастланган «Жигули»га ўтирди, унинг юришюрмаслигини текшириб кўриш учун машина қулфида турган калитни бураб, двигателни ўт олдирди. Шунда «Волга» ҳайдовчининг хотини эрининг кўлидан тортди ва нажот истаб жавдираб турган аёлга дейди:

— Синглим, бизни бундай ишларга аралаштирманг!

Эр хотинининг буйруғи билан ўз машинасига ўтиради-ю, буларни шу аҳволда ташлаб кетишаверади.

Орадан яна ярим соатлар ўтгач, Ҳумсон томондан келаётган «Жигули» машинаси тўхтайди, рулда бир рус йигити экан. У дарҳол ўз машинасининг орқа ўриндиғига юкхонадан олган қандайдир материалларни тўшаб, жабрланувчини ётқизди ва Ғазалкент касалхонасига олиб боришди. Шикастланган йигитни навбатчи врачга топширгандан кейин ҳам у касалхона ҳовлисида анча кутиб турди. Кейин яна врачга учрашиб «Менинг яна қандай ёрдамим тегиши мумкин?» деб сўради. Улардан миннатдорчилик жавобини олгач, ўз йўлига кетди.

Аварияда жароҳатланган йигит эса касалхонада бир соатлардан сўнг ҳаётдан кўз юмди. Унинг жароҳати жуда оғир эди, медицина ёрдами эса жуда кеч кўрсатилди. 30—35 минут ғанимат фурсат бой берилган эди. Агар у ана шу ярим соат ичида касалхонага етказиб келинганда, унинг ҳаётини сақлаб қолса бўларкан. Фалокат юз берган жойдан Ғазалкент касалхонасигача масофа атиги 10 километрдан иборат, холос!

Бу воқеани бир одамга нисбатан миннатдорлик билан, иккинчи одамга нисбатан эса нафратсиз эслаб бўлмайди, тўғри эмасми? Инсонга бўлган оқибатни қарангки, бир одам ўлим хавфи остида нажот кутиб ерда ётса-ю, бемалол ташлаб кетаверса?! Агар «Волгачилик йигит ярим соат вақтини аямай, 10 чақирим жойга олиб бориб қўйганда эди, унн сақлаб қолиш мумкин экан! Шунчалик ҳам лоқайдлик, меҳрсизлик бўладими!

«Бизни бундай ишларга аралаштирманг», деган аёлчи. Ахир у ҳам онаку!? У жабрланувчига ёрдам кўрсатмоқчи нафратим ошди. Афсус ва надоматлар бўлсинким, кишинкишига дўст, биродар бўлган ажойиб жамиятимизда, меҳр-оқибатли ажойиб инсонлар орасида юқорида айтилган «Волга» ҳайдовчиси каби кимсалар ҳали ҳам учраб турадн.

Бу воқеа 1982 йилнинг 17 июлида юз берган эди. 35 ёшли йигитни тўсатдан уриб, ғойиб бўлган жиноятчи ҳам, ёрдам бермай кетиб қолган «Волга» ҳайдаган йигит ҳам орамизда бемалол юришибди. Лекин биз уларни танимасакда, қилмишларини нафрат билан эслаймиз. Шояд ушбуни Чунки бу оила ана шундай ҳурматга муносиб!

Жамила, ҳам, Мўмин ака ҳам жуда оқибатли, одамларга меҳрибон, садоқатли қўшнилардан. Бирор илтимос ёки маслаҳатли иш чиқиб қолса, уларга мурожаат қиламиз. Доим очиқ чеҳра билан жавоб қайтаришади, қўлларидан келган ёрдамни аяшмайди. Ҳовли олма, қўшни ол, деганлари шу бўлса керак-да.

Кўпчиликнинг бу хонадонга келишининг яна бир боиси бор— Жамила медицина ҳамшираси. Бир неча йил район марказий касалхонаси, поликлиникада ишлаган. Ҳозир эса район касалхоналари, боғчаларн учун сут тайёрлайдиган ошхонада ишлайди. Лекин унинг дори кўтармаган, шприц ушламаган куни кам бўлади: микрорайонда кимнингдир тоби қочса, бола-чақа иситмаласа, дарров Жамилага югуриб келишади. У эса, бу менинг ишим эмас, деб ўтирмайди, ёрдамга тайёр.

Дард вақт танламайди. Шунинг учун Жамиланн баъзан «тез ёрдам» келгунича сабр қилмай, чақириб кетишади.

...Шундай қилиб, унинг кичик қизи туғилган кунини нишонлаётган эдик. Қўнғироқ жиринглади. Эшикни очган Жамила ким биландир гаплашди-да биз ўтирган уйга ҳижолатомуз кириб келди.

— Мени кечиринглар, —деди у. — Райкомхозда шофёр бўлиб ишлайдиган йигит келибди, онасининг мазаси қочиб қолганмиш. «Тез ёрдам»дан келган врач ёш экан, кампирнинг томирига укол қилолмаётган эмиш. Бориб келай.

...У бир соатлардан кейин қайтиб келди.

— Яхшимилар? — сўрадик биз.

— Ҳа, тузуклар, — деди Жамила чеҳраси ёришиб. — Ўзи, айрим одамларнинг томирини топиш жуда қийин бўлади...

Меҳмонлар ўтирган хонага янада файз киргандек бўлди. Менинг қалбимда нимадир тўлқинланиб, туғён урди. Бу— шундай ажойиб қўшнимиз борлигидан фахрланиш, шундай оқибатли одамлар орасида яшаётганимиздан шукроналик туйғуси эди...

Абдусаттор ХАТАМОВ,
Калинин районидаги Калинин посёлкаси.

ОДАМЛАР ОҚИБАТ

бўлган эрининг қўлидан тортиб, кетишга ундаганда бошига фалокат тушган ёнидаги аёл қисматига нега энди шунчалик бефарқ қаради? Гувоҳ сифатида жавоб беришдан қўрқиш ёки бир-икки кунни ўзининг «тинч» ҳаётига ҳалақит беришидан чўчишми?

Ҳа ўз оромини бузишни (хатто бировнинг ўлимига завол бўлса ҳам) истамади. Бундан ортиқ худбинлик бўладими?!

Бир четда турган машинани уриб, ҳайдовчини ўлимга рўбарў қилиб, жуфтакни ростлаб қолган номаълум одамчи! Унинг виждонига куйдирги чиққанлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Учига чиққан номардлик, оғир гуноҳ, кечирилмас жиноят бу! Дарвоқе, оғир жиноят қилган бу кимсани ҳалигн «Волга»нинг ҳайдовчиси ёрдамида ушлаш ҳам мумкин эди. Чунки, улар орасида атиги 5 минут фарқи билан кетма-кет келишган. Майли, номаълум машина кетидан қувмасин ҳам дейлик, лекин 5 километрга эришмай шу топда олиб борганида бир ёш йигитни ўлимдан сақлаб қолган бўлардн. Инсоний бурчини бажарган бояги рус йигити эса ярим соат кеч келган. У одамгарчилкни ўрнига қўйган. Бундай кишилар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор!

Мен яқинда хизмат тақозоси билан бу воқеага аралашиб, ундан бохабар бўлар эканман, чидаб тура олмадим, қўлимга қалам олдим. Бу мудҳиш воқеани жамоатчиликка маълум қилишни бурчим деб ҳисобладим.

Ўзгалар иши учун ёзда ҳам қўли «музлаб» қоладиган айрим шахсларга нисбатан ўқиб, виждонлари бир лаҳза азоб чекса...

Қани энди орият, виждон азоби устун келиб, ўз қилмишларига жавоб бериш учун тан олиб, бўйни эгиб тегишли органларга ўзлари келишса. Шундай қилишармикин?

Ҳар қандай тасодиф юз бериши мумкин. Шундай пайтларда бир-биримизган ёрдамни дариғ тутмайлик, азиз биродарлар, меҳру-оқибатли бўлайлик!

Кезим ХОШИМОВ,
Янгийўл шаҳар касалхонасининг врачи.

Редакцияга юқоридагидек аянчли воқеалар, айрим ҳудбин, тошбағир ва оқибатсиз одамлар ҳақида келаётган хат-хабарлар билан бирга олижаноб инсоний фазилатлари, қариндош-уруғ, оға-ини, қўни-қўшнилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, мурувват тўғрисида ҳикоя қилувчи хат-хабарлар ҳам келиб туради. Биз юқорида баён қилинган ҳодисадаги ҳар икки қаҳрамоннинг бутунлай акси бўлган, меҳр-оқибат туфайли ҳурмат-эътиборга лойиқ одамларни улуғловчи хатларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

БИЗНИНГ ҚЎШНИМИЗ ЖАМИЛА

ЖАМИЛАНИНГ қизи Нилуфарнинг туғилган кунини нишонлашга қўни-қўшнилар йиғилдик. Жамила ва турмуш ўртоғи Мўмин ака каттагина тайёргарлик кўриб қўйишган экан. Тўкин дастурхон устида қизча, оила шаънига самимий, илиқ сўзлар айтилди. Янги йил учун ёзда ҳам қўли «музлаб» қоладиган айрим шахсларга нисбатан

РАҲМАТ СИЗГА, ЯХШИЛАР

ҲУРМАТЛИ редакция! Бизнинг отамиз Тўра Эсонович Мирзаев Улуғ Ватан урушининг II группа инвалиди, меҳнат ветерани. Олти ўғил-қизларн ва ўн икки набиралари бор. Ҳаммамиз падаримиз билан фахрланамиз, уларни эъзозлаймиз. Чунки, у киши урушнинг олис, оловли йўлларини босиб ўтганлар, бизни вояга етказиш ҳам осон бўлмаган, албатта. Ана шу уруш асорати туфайли касалманд бўлиб қолганлар.

Шу йил 2 март куни ўз машиналарида кичик қизларн ва саккиз ойлик набиралари билан Октябрь колхоз бозорига резавор олиш учун кетган эдилар. Бозордан қайтиб чиқаётганларида юрак уриши секинлашиб, нафаслари қисиб, деворга суяниб қолибдилар. Ўтиб кетаётган бир йигит яқинлашиб «нима бўлди сизга, нима ёрдам керак» деб сўрабди. Отамиз машинада дори борлигини, уни опкелиб беришни илтимос қилибдилар. Бироқ у йигит машинани топиб, дорини келтирганда бемор бехуш ётган экан. Бу ҳолни кўрган яна икки ёш йигит югуриб бориб 4-поликлиникадан замбил олиб келишиб, беморни кўтариб поликлиникага етказиб боришибди. Хуллас, ўз вақтида кўрсатилган ёрдам, номаълум кишиларнинг нотаниш инсонга бўлган меҳрибончилиги туфайли тез медицина ёрдами кўрсатишга муваффақ бўлинган. Ким билади, агар ана шу кишиларнинг холис хизмати бўлмаганда... у ёғини айтишга тил ҳам бормайди.

Уйимизга машинани номаълум йигит ҳайдаб келиб, отамизни ичкарига суяб олиб кириб ётқизибди ва исмини ҳам айтмай кетибди. Уйда бўлган кишилар эса нима воқеа эканини англолмай, унинг на исмини, на адресини сўрашган. Кейин билишимизча, отамизнинг поликлиникага бориб қайтиб келгунича ўтган вақт ичида бир номаълум ёш йигитлаб юрган синглимизни овутиб, ҳамдард бўлиб турган...

Биз барча оила аъзоларимиз номидан ана шу номаълум кишиларга дил ташаккуримизни изҳор этамиз, уларнинг ҳамиша бахтли бўлишини, дард кўрмасликларини истаймиз. Шу билан бирга, улар ўзларини танитишларини илтимос қилардик.

Ҳурмат ва эҳтиром билан **Мавзуда, Мавлуда, Жўра, Адҳам МИРЗАЕВЛАР.**

ҒАЙРИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙ ВАҚТЛАРДА

ТОШКЕНТ область ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида гражданларни қабул қилиш кун тартибини қайта кўриб чиқди. Бундан буён транспортни рўйхатдан ўтказиш ҳамда автомобиль ва мотоцикль ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлиш бўйича имтиҳонлар топшириш учун қуйидаги тартибда қабул қилинади:

Область Давлат автомобиль инспекцияси бўлими (Тошкент шаҳар, Луначарское шоссеси, 293) — чоршанба ва жума кунлари соат 9 дан 18 гача, пайшанбада соат 12 дан 21 гача, шанба куни соат 8 дан 16-ю 45 минутгача;

Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларидаги ва Ўрта Чирчиқ районидаги район-лараро рўйхатдан ўтказиш—имтиҳон бўлимлари сешанба ва пайшанба кунлари соат 12 дан 21 гача, чоршанба ва жумада соат 9 дан 18 гача, шанба куни соат 8 дан 16-ю 45 минутгача;

Ангрен ва Бекобод шаҳарларидаги рўйхатдан ўтказиш-имтиҳон пунктлари —сешанба куни соат 12 дан 21 гача, шанбада соат 8 дан 16-ю 45 минутгача.

Область Давлат автомобиль инспекцияси рўйхатдан ўтказиш-имтиҳон бўлинмасида ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш ва ҳайдовчилик гувоҳномаси дубликатини олиш чоршанба куни соат 9 дан 18 гача, шанбада соат 8 дан 16-ю 45 минуттача амалга оширилади. Бу бўлим бошқа кунлари областимиз шаҳар ва район-ларида ўқув муассасаларининг таклифи билан олдиндан тузилган график бўйича имтиҳонлар олади.

ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

«Коммунист» газетаси таъсис этган кўчма кубокни қўлга киритиш учун мусобақалар бўлиб ўтди. Қизғин учрашувлардан сўнг Свердлов номли 19-ўрта мактаб йигитлари биринчи, район халқ маорифи бўлими командаси иккинчи, «Октябрь 46 йиллиги» совхози волейболчилари учинчи ўринни эгалладилар. Аёллар коллективлари орасида ўринлар қуйидагича тақсимланди: «Авангард» совхози, Ленин номли колхоз, район халқ маорифи бўлими.

А. КУЧЕРЕНКО,
Р. ЭСОНОВ.

Реклама ва эълонлар

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

22—26 апрель кунлари
«МАГНЕТИК БЕНД» ГРУППАСИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбар — Гунар ГРАБС.

22, 25, 26 апрелда соат 20.00 да.
23 апрелда соат 17 ва 20.00 да.
24 апрелда соат 14, 17 ва 20.00 да бошланади.

Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: касса — 46-03-12, администратор — 46-07-53, 46-68-77.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕН БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ
170-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983-84 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати—1 — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: электр поездларининг, электр ускуналарини ремонт қилувчи электр-слесарь, метрополитен станцияларининг навбатчилари, экскаватор машинистлари тортиш подстанцияларнинг электр монтёрлари, автоматика, телемеханика алоқа, электр монтёрлари, ҳаракатдаги составни ремонт қилиш бўйича слесарь, слесарь-сантехник, электр поезд машинисти ёрдамчиси, электр пайвандчи.

Тошкент темир йўл бўлими учун тепловоз машинистлари. Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келгандан сўнг тепловоз машинисти ихтисоси бўйича ўқишга кирганларга ҳар ойда 72 сўмдан стипендия берилади.

Билим юртини тугатган ҳамма ўқувчиларга ўрта маълумот ҳақида ва эгаллаган ихтисоси бўйича диплом берилади. Улар ўз касблари бўйича Тошкент шаҳрида иш билан таъминланадилар ва темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юборилади-лар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР УМУМИЙ АСОСЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, ФАҚАТ МЕДИЦИНА КОМИССИЯСИДАН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ПОЛИКЛИНИКАСИДА ЎТИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй (7, 9, 11, 14, 21, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбусларнинг «Киров номли боғ» бекати). Телефон 56-63-20.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ
104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983-84 ўқув йили учун
8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАРНИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

асбоб-ускуналар электр монтажчи, электр пайвандлозчи, контроль-ўлчов приборлари ремонти бўйича слесарь, қозон ва турбина ускуналари ремонти бўйича слесарь, иссиқлик техникаси ускуналари ремонти бўйича слесарь, реле муҳофазаси ва автоматика бўйича электромонтёр, химиявий анализ лаборанти, химиявий сув тозалаш аппаратчиси, кабелчи-электромонтёр, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, дурадгор.

Ўқиш муддати уч йил

Ўқувчилар уч маҳал овқат, кийим-кечак ва ишлаб чиқариш практикаси даврида — иш ҳақининг 33 процентн миқдорида пул мукофоти билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатишда диплом берилади, унда ўқувчи эгаллаган касб ва ўрта маълумот олганлиги кўрсатилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА ЕШЛАР, ШУНИНГДЕК СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАНЛАРНИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
БИР ЙИЛЛИК

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

электромонтёр, электр узатиш линиялари электромонтёри, кабелчи-электромонтёр, реле муҳофазаси ва автоматика бўйича электромонтёр, қозон ва турбина ускуналари ремонти бўйича слесарь, химиявий анализ лаборанти, химиявий сув тозалаш аппаратчиси, қозонлар машинисти, турбиналар машинисти, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.

Ўрта маълумотли ўқувчиларга 30 сўм миқдорида стипендия берилади.

Билим юртида яхши жиҳозланган кабинетлар, устахоналар мавжуд, спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди, яхши жиҳозланган ётоқхона бор.

Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга автобус хизмат кўрсатади.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ, 9.00 ДАН, 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ

Ўқишга кириш учун қуйидагилар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий ҳисобда туриши тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билет.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент области, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС посёлкаси (115, 152-автобусларнинг «ТашГРЭС посёлкаси» бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча равишда 6-12, 3-18, 6-26.

СПОРТ

ТОШКЕНТДА УЧИНЧИ МАРТА

Бугун Тошкентдаги «Динамо» теннис кортида республика Министрлар Советининг совриии учун теннис бўйича халқаро турнир очилади

Кучли теннисчиларнинг Тошкент турнири республикамиз спорт ҳаётидаги анъанавий мусобақалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1981 йилда қабул қилган «Республикада теннисннг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг бу борадаги ишлар кескин жонланиб кетди.

Ўша йили бўлиб ўтган халқаро теннис турнирида Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Польша, Руминия ва Чехословакиянинг ёш спортчилари ўзаро баҳслашдилар. Мусобақаларнинг ниҳоятда қизиғин кураш остида ўтганлиги мазкур мамлакатлар спортчиларида орадан бир йил ўтгач яна Тошкентда учрашиш иштиёқини уйғотди. Бу сафар улар билан бирга Кипр теннисчилари ҳам меҳмон бўлиб келдилар.

Учинчи анъанавий халқаро турнирда Болгария, ГДР, Руминия, Чехословакия, Кипр, СССР, Ўзбекистон ССР командалари қаторига Венгрия, Италия ва Польша спортчилари ҳам қўшиладилар.

Республикамиз вакиллари бўлажак халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўришди. Жумладан, СССР ўсмирлар терма командасининг аъзоси Виктор Богатирев, СССР спорт мастери Светлана Юрченко, Наталья Степанова сингари умидли теннисчиларимиз ўзмаҳоратларини намойиш этишга шай бўлиб туришибди. Елена Кибирова, Анвар Мўминов, Сергей Ивановлар ҳам республикамиз терма командасига асосий номзодлардан ҳисобланишади.

Серқуёш ўлкамизда ўтказилаётган мазкур турнирнинг обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, Тошкент турнири натижалари жаҳоннинг энг кучли ўсмир ва қиз теннисчиларини аниқлашда халқаро теннис федерацияси томонидан инобатга олинади.

Меҳмонлар учун кенг маданий программа тайёрланган. Республикамизга меҳмон бўлиб келган спортчи ва уларнинг тренерлари учрашувлардан бўш пайтларида Ўзининг 2000 йиллик юбилейини нишонлаётган пойтахтнинг диққатга сазовор жойларида бўлишади. Самарқандга саёҳат уюштирилади.

Халқаро Тошкент турнири СССР халқлари VIII ёзги Спартакиадаси олдидан республикамиз кучли спортчилари учун ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтайди.

Р. ИБРОҲИМОВ,
халқаро турнир бош судьясининг ўринбосари.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — П. ЛЕНИН кўчаси, 41

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354; партия гурмуши — 325778; пропаганда 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 06190. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1580. 1 2 3 4 5 6 7 8 8 10 11 12 13 14